



TURKISTAN

Жанубий Қозғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апреддан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба күнлари чиқады

2020 йил 15 октябрь, пайшанба. №92 (2867).

ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТ ҚАТЪЙ НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИ

**ҚР ПРЕЗИДЕНТИ БОШ ВАЗИРГА МАМЛАКАТДАГИ ЭПИДЕМИОЛОГИК
ХОЛАТНИ ҚАТЪЙ НАЗОРАТГА ОЛИШНИ ТОПШИРДИ**



Давлат раҳбари Қасим-Жұмарт Тұқаев Бош вазир Асқар Маминни қабул қилди. Қозғистон Президентінің жорий йилнинг 9 ойи давомидаги ижтимоий-іқтисодий тараққиеттің түгрысіда маълумот берилді. Шунингдек, қатор соҳаларда ижоби тенденция борлиғи айтилди.

Хусусан, қайта ишлаш саноатининг ўсиши 3,3 фоизга етди, қурилиш ҳажми 10,5 фоизга ўсди, уйларнинг фойдаланишынша топширилиши 9 фоизга ёки тахминан 9,6 миллион квадрат метрга ошиди. Қышлоқ хұжалигыда ўсиш суръати 5 фоизни ташкил қилди. Қозғистон

Олтин-валюта жамғармаси ва Миллий жамғарма активлари 1 октябрь маълумотларига күра, 91,1 миллиард долларнан ташкил этди. Бош вазирнинг сүзләригә күра, хизмат күрсатиш соҳасидаги фаолиятни қайта тиклаш сентябрдан бошланган.

Бош вазир 11-12 октябрь күнләри Абу-Дабига хизмат сафари натижалары түгрысіда хисобот берди. Ташириф давомида Давлат раҳбари Қасим-Жұмарт Тұқаевнинг жорий йил январь ойда Бирлашган Араб Амирликларига расмий таширифи өнімдегі әрішилгандың келишувлар амалға ошириләтгани тақидланды. Иккى ҳукumat сармоявий ҳамкор-

лик бўйича меморандум имзоладилар. У қиймати 6,1 миллиард долларга teng 21та лойиҳани амалга оширишни назарда тутади. Давлат раҳбари Ҳукуматнинг іқтисодий тараққиётнинг ижобий суръатларини таъминлашга қаратилган саъи-харакатларини тақидлади, фуқароларимизнинг соғлиги, кичик ва ўрта бизнес фаолияти, шунингдек, хорижий мамлакатларда кенг тарқалған коронавирус эпидемияси салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида мамлакатдаги эпидемиологик вазиятни қатъий назоратга олиши топшириди.

ҚозАхборот.

● "Оқ олтин-2020"

«ТУРКИСТОН» НАВИ БАРЧАГА МАНЗУР

Кентов шаҳрининг Қорачиқ қишлоғидаги «Турон» хұжалиғи раҳбари, «Парасат» ордени, Туркестон шаҳрининг ҳұрматтық мүшкіндерінің қызығындағы соғыбы, шаҳар маслаҳати депутаты Ҳабибулла Азимов билан сұхбатимиз «оқ олтин» хироминда кеңди.



— Бу йил сиз ташкил этгандың хұжаликта ынғырманчы бор пахта қабуллаётгандың әкансизлар. Қандай үзгаришлар бор?

— Албатта, тараққиёт, юксалиш, ўсиш мавжуд. Маса-

лан, биз олимлар билан ҳамкорликта үйлар давомида яратған чигитнинг «Туркестон» нави бу йил вилоятимизда 9 минг гектар майдонға экилди. Энг жанубий Сарыогоч худудидаги пахта

билан шимолий саналадиган бизда пахта пишиб етилиш мүддати фарқи 20 кун бўлишига қарамай, бир вақтда етилгани – «Туркестон» нави самарадорлигининг далили.

(Давоми 2-бетда) ▶

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ ҚОЗҒИСТОН ВАКЦИНАСИ САМАРАДОРЛИГИ ИСБОТЛАНГАН

Дори воситалари, тиббиёт буюмлары ва техникаларини экспертиза қилиш миллий маркази эксперти, Соғликни сақлаш вазирлигининг иммунизация бўйича миллий маслаҳат комиссияси аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Жаннат Сатибалдиева коронавирусга қарши Қозғистон вакцинаси самарадорлиги ҳақида маълумот берди.

Унинг айтишича, Қозғистон Республикаси Таълим ва фан вазирлиги тасаруфидаги Қозғистон биохавфсизлик илмий-тадқиқот институти мутахассислари классик усул билан коронавирус инфекциясига қарши самаравали вакцина ишлаб чиқдилар.

– Ушбу вакцина кимёвий жиҳатдан зарарсизлантирилади, сўнг тозаланади. Бу маҳсус технологик жарабён. Вакцина лаборатория ҳайвонларидаги муваффақиятли синовдан ўтказилди. Унинг самараси ва инсон организмидаги маҳсус ҳимоя иммунитетини ривожлантира олиши исботланган. Айни пайтда клиник синовларда кўнгиллилар иштирок этмоқда. Умид қиласиз, ҳаммаси яхши бўлади, – деди шифокор.

Жаннат Сатибалдиеванинг сўзларига кўра, эмлаш орқали иммунитетни ошириш тиббиётнинг катта ютуғидир. Шунинг учун коронавирус инфекцияси пайтида мавсумий тумовдан ҳам ҳимояланиш зарур.

ҚозАхборот.

ЭНГ МУҲИМИ – АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИДА КОРОНАВИРУСНИНГ ИККИНЧИ ТҮЛҚИННИГА ТАЙЁРГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛДИ

Туркестон вилоятида коронавирус инфекциясининг иккинчи түлқинига тайёргарлик масалалари вилоят ҳокими Үмирзак Шўкеев раислик қилган йиғилишда кўриб чиқилди. Тадбирда таъқидланишича, минтақада коронавируснинг иккинчи түлқинига тайёргарлик кучайган.

Епидемия тақрорланган тақдирда доридармон танқислигининг олдини олиш мақсадида иккى ойлик жамғарма йиғилиб, вилоят касалхоналари нафас олиш ускуналари билан жиҳозланган. Агар керак бўлса, кўшимча ўринлар сони 5,5 мингтага етказилади.

Вилоят раҳбари топшириғига кўра, туман шифохоналари компьютер томографиялари, лабораториялар ва рақамли рентген аппаратлари билан таъминланди.

(Давоми 2-бетда). ▶

Туркестонлик ёшлар пахта териш, қўй жунини қириқиши, олма ва картошка териш бўйича беллашдилар. Ёшлар иккى кун давомида қышлоқ ҳаёти билан танишдилар. Минтақанинг фаол кўнгиллилари “Қышлоқдаги бир куним” реалити-шоуси доирасида “Чорва ва экин – мўл-кўл ҳосил” танловида беллашдилар.

КЎНГИЛЛИЛAR КУЧ СИНАШДИ

Вилоят ёшлар имконият маркази томонидан ташкил этилган танловининг асосий мақсади ёшлар орасида қышлоқ хұжалигини тарғиб қилиш



Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан келган иштирокчилар қуръя ташлаш йўли билан тўрт гурӯхга бўлинишиди. Мусобақа Қазигурт тумани боғида олма териш билан бошланиб, қўй жуни қириқимига уланди. Сўнг Сауран қышлоқ округида картошка қазиши ва олма теришди. Пахта терими пайтида иштирокчиларни баҳолаган ҳакамлар йиғилган “оқ олтиннинг” тозалиги ва вазнига ҳам эътибор беришиди.



Беллашувда “Қаратай” жамоаси учинчи, “Алатай” иккинчи ўринни эгаллади. Биринчи ўринни “Сирдарё” жамоаси қўлга киритса, бош соврин “Турон” жамоасига насиб қилди. Фолибларга ташаккурнома ва қимматбахо совғалар топширилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



МИНТАКА РАҲБАРИ МАҚТААРАЛЛИКЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Вилоят ҳокими Үмирзақ Шүкеев Мақтаарал туманиндағы Жанажүл қишлоқ округига қарашли Үргебас ва Фирдавсий қишлоқларини оралаб, аҳоли манзилларини асл ҳолига келтириш ишларини күздан кечириди. Хонадонларга бирма-бир кириб, аҳоли билан учрашиди ва уларнинг муаммолари билан танишиди.

– Ўй қуриши үрганини олдик. Эндиликда ишчи ёлламай, ишларни ўз кучимиз билан битиряпмиз. Ҳашар уюштириб, унинг томини ёпдик. Давлат берган маблағ етарли. Қўшним ҳам уйини уч ўғли билан қурди. Бизга ёрдам бераётган барча ҳамюртларимиздан миннатдормиз, – деди үргебаслик Курақбай Мамирежепов.

Умумий майдони 1256 гектарни ташкил қиласидан Үргебас аҳоли манзилида 209та ўй бор. 194та ўй бузилиб, қайта қурилди. Қишлоқ ахли давлат томонидан берилган 17 млн. тенгега ўй курмоқда. Бу ерда ичимли сув тармоғи янгиланиб, йўллар таъмирланмоқда. Сув чайиб кетган вилоят аҳамиятига эга 10 чақирик автойўлнинг шу қишлоқдаги 4,8 чақиримини ташкил киласидан 4та кўчада жорий таъмир ишлари юритилмоқда. 200 ўринли янги мактаб бунёд этилиб, эски мактабда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Қишлоқда янги фельдшерлик-акушерлик бекати ҳам қурилмоқда.

Янгийўл қишлоқ округига қарашли Фирдавсий аҳоли манзилида 327та зарар кўрган ўйдан 308таси бузилиб, янгидан қурилди. 600 ўринли мактаб таъмирланниб, қозонхонани табиий газга кўшиш тадбирлари юритилмоқда.

Сафар давомида Ў. Шўкеев тиббий амбулатория қурилишини кўздан кечириди, Мирзакентдаги янги кичик туманни оралади. Бу ерда 1200 ўринли мактаб, болалар боғчаси, шифокорлик амбулаторияси ва 398та ўй қурилади.

Мақтаарал туманида саноат маҳсулотлари ҳажми ортиб бормоқда. Чунончи, ўтган йили ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий ҳажми 3,2 млрд. тенгени ташкил этса, жорий йил ушбу кўрсаткич 12,5 миллиард тенгега етди.

ЯНГИ ФАБРИКА ИШГА ТУШИРИЛАДИ

Хориждан бевосита сармоя жалб қилиш йўналишида Мақтаарал туманида жорий йил 6,7 миллиард тенгега тенг иккита лойиҳа амалга оширилмоқда. Натижада 191 одам доимий иш билан таъминланади. Лойиҳанинг бири – Туркия билан ҳамкорликда амалга ошириладиган ип йигириш фабрикасининг қурилиши. "Tulpar Texstill" МЧБ тасарруфидаги ишлаб чиқариш 2020-2021 йилда амалга ошади. Натижада йилига 6 600 тонна ип ишлаб чиқарилади ҳамда 143 киши иш билан таъминланади. Бундан ташқари, Германия билан ҳамкорликда мева-сабзавот ҳамда полиз маҳсулотларини қуритиш ҳамда улардан мармелад тайёрлаш лойиҳасини 2020-2021 йилларда амалга ошириш режа-

лаштирилган.

Туманда 10 536 тадбиркорлик субъекти мавжуд. Унинг аксарияти "Ырыс" кичик насия ташкилоти, Қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-кувватлаш жамғармаси" ҲЖ, "Жетисай несие" ҳамда "Агро Насия Корпорацияси" ҲЖ ташкилотларидан сўнгги 9 ойда имтиёзли фоиз билан 550 миллион тенгедан зиёд маблағ олинган. Шунингдек, миңтақада тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш мақсадида 3000дан зиёд фуқарога бепул маслаҳат берилди, сервис хизматлар кўрсатилган. Фуқароларнинг касбий саводхонлигини ошириш учун "Бастау бизнес" дастури доирасида 299 фуқаро билим олган.

Вилоят миңтақавий коммуникациялар хизмати.

ЭНГ МУҲИМИ – АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, ўпкани сунъий шамоллатиш аппаратлари ва кислород концентратлари ҳар бир тумандаги тибиёт муассасалари тарқатилди. Туманларга 12та кўчма тибиёт мажмуя ётказиб берилмоқда. Беморларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга хизмат кўрсатиш учун маҳсус бўлимлар ва мобил гуруҳлар ташкил этилган.

Вилоят ички ишлар бошқармаси вилоят бош санитария врачи буйруғи асосида миңтақа ҳудудида кучайтирилган карантин тартибига ўтишга тайёр.

Қишлоқ хўжалиги миңтақанинг устувор

соҳаси бўлиб, унга ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 20 фоизи тўғри келади. Маҳаллий сабзавот, полиз маҳсулотлари, мевалар, гўшт ва сут маҳсулотлари миңтақа аҳолиси учун етарли. Парранда ва тухумларнинг ўртача таъминоти 35 фоизни ташкил қиласиди. Маҳаллий маҳсулотларнинг аҳолига тақдим этилишини ошириш юзасидан ишлар доимий назоратида ва ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг асоссиз кўтарилиши олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

«ТУРКИСТОН» НАВИ БАРЧАГА МАНЗУР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу бизнинг йирик меваф-факиятимиз ҳамда дехқонлар даромадини ошириш манбай ҳамдир. Чигит ва сутни қайта ишлайдиган корхоналар ишлаб турибди.

– Кластер асосидаги корхонагизга Элбошимиз, Тўнгич Президентимиз Нурсултан Назарбаев шахсан ташриф буюрган. Сиз етиштирган пахта толасидан тайёrlанган газламага «Зор табыйс тілеймін» деб ёзиб, кўл қўйгани ҳам шонли тарих. Қўшни Россия давлати билан иқтисодий алоқа ўнатдингиз. Бу йил ҳосилни териб олиш жараёни қандай кечади?

– Қўл теримидан воз кечдик, сабаби, ташвиши кўп ва бу усул дехқонга қимматга тушади. Замонавий Америка терим агрегатларини харид қиласиди. Ҳосилни нес-нобуд қиласиди. Ҳосилни нес-нобуд қиласиди. Ҳосилни нес-нобуд қиласиди.

– Мен олисга бормай бугунги кундан гапирсам. Жамоат жойларида, одам гавжум

Қорачик, Чўрноқ, Ўранғай, Эски Иқон, Жуйнек қишлоқ округларидан жами 5 минг тоннадан зиёд хомашё қабул қиласиди. Барча шароитлар мұхәйе.

– Ўтган йили шу ойда қишлоқнинг 2000 йиллик юбилейи ўтди. Тадбиркор сифатида сизнинг ҳиссангиз қандай бўлди?

– Тайёргарлик ишларида тўлиқ иштирок этдим. «Қорачик» тарихий этнография музейи биносини ва қишлоқ марказий майдонидаги саҳнани қуриб бердим. Яна шундай ишлар давом этади.

– Абай Қунанбаевнинг 175 йиллиги нишонланмоқда, келаси йили эса унинг устози Алишер Навоийнинг 580 йиллиги. Шу атоқли адиллар таърифлаган қайси қадриятлар ва жиҳатлар бугунги авлодда мужассам бўлишини орзу қиласидингиз?

– Мен олисга бормай бугунги кундан гапирсам. Жамоат жойларида, одам гавжум

масканларда ёшлар, ҳатто қиз-жуонлар маданиятни йиғиштириб кўйиб, катталарга йўл бериш ўрнига, тутиб ўтиб кетишияпти. Бугунги куннинг инъикиоси бу. Каттага – хурмат, кичикка – иззат йўқолмаслигиги истардим.

Миришкор дехқонларга тилакларингиз...

– Ҳар сафар ва ҳамма вақт тилагимда бир мақсад – пахтакор дехқонларимиз юқори ҳосил олишга интилишлари даркорлигини таъқидлайман. Гўзанни чанқатмасдан, қудук қазиб бўлса ҳам сугориш керак, бу албатта натижасини беради. Ҳосилдорлик гектарига 40 центнер ва ундан юқори бўлса («Туркестон»нави шунга мўлжалланган) дехқон учун даромад мўл дегани. Хирмонга барака, қадрли пахтакорлар!

– Суҳбатингиз учун раҳмат!

**Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.**

● Тўлебий тумани марказига – 75 йил

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК

Ленгерда шаҳар куни ва ҳосил байрами нишонланди.

Тадбирда сўзга чиқсан Тўлебий тумани ҳокими Б. Умарбеков миңтақада халқ фаровонлигини ошириш ва қишлоқ хўжалиги тараққиётiga катта эътибор қаратилаётгани, шаҳарда ўнлаб соғликини сақлаш, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, уй-жой бинолари қурилганини таъқидлади.

Шунингдек, туман раҳбари қишлоқ ҳўжалик соҳаси меҳнаткашларини Ҳосил байрами

билан табриклиди. Сўнг туман ҳокими ва маслаҳат котиби Нурлан Қўйбағаров ва фаҳрийлар кенгаши раиси Атирхан Шингисбаев соҳанинг илғор меҳнаткашларини ташаккурнома ва совғалар билан тақдирлаши.

Туман раҳбари табрик нутқида туманда давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишларга тўхтади.

– Туманимизда қишлоққа саноатнинг кириб бориши, тадбиркорлик фаолияти ва хизмат кўрсатиш тизимини ривожланти-

риш учун кенг имкониятлар яратилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-кувватлашда тижорат банклари томонидан имтиёзлар берилмоқда. Бу тадбиркорлар сонининг ортиши, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қиласиди. Истиқболли бизнес-лойиҳаларнинг амалга оширилиши туфайли ҳар йили юзлаб янги иш ўринлари очилмоқда.

Шу куни туман марказида янги истироҳат боғининг тантана-

ли очилиш маросими ўтди. Сўнг туман ҳокими Тадбиркорлик мактаби биносида 9 ойда бажарилган ишлар юзасидан хисобот берди.

– Президентимиз жорий йилги Мактубида аҳоли турмуш сифатини оширишни топшириди, – деди у. – Шундай экан, бу йилнинг аҳамияти биз учун жуда улкан. Президентимиз белгилаган устувор вазифаларнинг изчил амалга оширилиши ушбу ўйналишида олиб борилаётган ишлар кўлламини янада кенгайтириб, уни янги босқичига кўтариши шубҳасиз.

Тўлебий майдонида ўтган

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркасида зотдор моллар, қишлоқ хўжалик техникаси кўргазмаси намойиш этилди. Байрам тадбирида туманинг барча ташкилот, корхона ва хўжаликлиари иштирок этишиди.

Тақдирлаш маросимидан сўнг марказий майдонда спортнинг уч туридан шаҳар биринчилиги уюштирилди, булар – қозоқча кураш, кўчкор кўтариш ва қўл кураши.

Голибларга диплом ва қимматбахо совғалар топширилди.

Б. РЎЗИМАТОВА.

БУНЁДКОРЛИК ВА ОБОДОНЧИЛИКНИНГ ҚИЗГИН ПАЛЛАСИ



Түлебий тумани мегаполис шаҳар – Шимкент билан чегарадош. Бу туманнынг бунёдкорлик ва ободончилик борасидаги масъулиятини бир неча баравар оширади. Туманда қатор ижтимоий-маданий иншоотлар барпо этилмоқда. Биз шаҳар ва қишлоқ округларида амалга оширилаётган қурилиш, ободонлаштириш ишлари юзасидан қурилиш ва сармоялар бўлиммининг етакчи мутахассиси К. Шанбаевга мурожаат қилдик.

– Дарҳақиқат, қурувчилар гайратига таҳсиллар айтсан

арзиди, – деди у. – Ўзим шу соҳада кўп йиллар ишлаганинг учун ҳам аниқ айта оламанки, капитал қурилиш соҳасида ҳозиргидек ўсиш кузатилмаган. «Йўл ҳаритаси» доирасида мактаблар, кўприклар, савдо марказлари, бозорлар ва бошқа маданий-маишӣ бинолар қурилмоқда. Тумандаги асосий бунёдкорлик ишларини «Нурил Тўлебий» қурилиш компанияси олиб бормоқда. Ташкилотга салкам 40 йилдан бўён Виктор Диегенович Ким раҳбар.

Кўриб турганингиздек, Тўлебий туманида ҳам асрға тати-

гулик ишлар, улкан бунёдкорлик юмушлари адо этилмоқда. Ўнлаб қурилиш ташкилотлари, юзлаб бунёдкор отряд ва бригадалар, йўлсозлар, энг замонавий, қудратли техника ана шу мўъжизавий қурилиш юмушлари билан банд.

Ҳақиқатан ҳам бу жабҳада амалга оширилаётган ишларнинг аҳамияти ғоят катта. Мамлакатимизда йўл транспорти тизимини янгилаш, ана шу асосда юртимизда иқтисодиётнинг янги, нурли уфқларини очишдек олий мақсадлар мухассис.

Инсон қўли – гул, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, асрлар давомида тоғу тошларлардан, сайҳонлигу даралардан иборат кенгликлар инсон меҳнати билан айни кунда ажиб масканга, бөг-рөгларга айланмоқда. Юзлаб чироқлар ёруғида ҳатто тунлари ҳам давом эттирилаётган ушбу улкан шаҳарсозликнинг халқимиз келажаги учун нақадар катта манфаат касб этишини англаш қийин эмас. Энг қувонарлости, ёшларимиз ташаббус билан чиқиб, бу улуг ишлар, улкан қурилишларга ҳисса кўшаётганликларидир.



– Инсон куч-қудратининг нақадар улуғлигини шу ерда ҳис қилдим, – деди қурилишда меҳнат қилаётган М. Асилбеков. – Мана, бир йилдан бўён бино ва иншоотлар қурилишига ҳисса кўшаётганимдан турур, фахр-ифтихор ҳиссини туймоқдаман. Меҳнат инсонни тоблади, дея бежиз айтишмас экан. Иродам тобланди. Ўзимга ишонч ҳисси кучайди. Минглаб ватандошларинг, юзлаб тенгдошларинг билан елкама-елка туриб, меҳнат қилиб, ободонлаштириш завқини ҳис қилиш катта баҳт.

Б. РЎЗИМАТОВА.

Биз ҳозирги қийинчилкларни албатта өнгамиз.
Аммо элизимзинг янги геосиёсий вазиятдаги узоқ муддатли тараққиётини ҳам унумтаслигимиз зарур.

Қасим-Жўмат ТЎҚАЕВ.
“Қозогистон янги вазиятда: ҳаракатлар даври”.

Пандемия туфайли юзага келган молиявий тангликтан сўнг иқтисодиётни жадал ривожлантириш – давлат олдидағи асосий вазифадир.

Бу муҳим масала яқинда ҚР Баш вазири А. Мамин раислигига ўтган мажлисда муҳокама қилиниб, Қозогистон Республикасининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт таҳмини ҳамда 2020 йилги республика бюджети кўриб чиқиди.

Тадбирда Туркистон вилояти ҳокими Ү. Шўкеевнинг ҳисоботи тингланиб, вилоят раҳбарига аниқ топшириқлар берилган эди.

Бугунги кунда вилоятда ижтимоий мажбуриятларни бажаришга жиддий эътибор қаратилипти. Минтақадаги барча заиф қатламларни таҳлил қилиб, асосан кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва нафақадорларга эътибор қаратилмоқда.

Бу йўналишдаги тадбирларни Nur Otan партияси амалга ошироқда.

Қолаверса, ҳозирги йигим-терим мавсумида 70 мингдан зиёд одам кузги дала ишлари билан машғул.

Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида минтақада истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Чунончи, Сўзок туманинда лойиҳавий қуввати йилига 1000 тонна, умумий қиймати 83 млн. тенгени ташкил қиласиган 30та янги иш ўринига эга “Taғай ата” МЧБ йодланган туз корхонасининг 1-навбати фойдаланишга топширилиб, ҳозирги вақтда чорвачиликда ишлатиладиган туз ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, “Taғай ата” МЧБ жорий йилда ош тузи ишлаб чиқарадиган ускуналар харид қилиш учун “Банк Центр Кредит” ҲҚдан насия олмоқчи. Яқин кунларда ош тузи ишлаб чиқариш ускуналарини ўрнатиб, корхонанинг иккинчи навбатини ишга туширишни режаламоқда.

Даставвал, аҳоли бандлигини таъминлаш чоралари қабуланди. “Мехнат” давлат дастури доирасида 70 минг фуқаро иш билан таъминланади. Шунингдек, танглика қарши чоралар сифатида республика бюджетидан ажратилган қўшимча маблағ ҳисобидан 25 мингта иш жойи барпо этилади. Натижада 100 минг ишсизнинг бандлиги таъминланади. “Бандликнинг йўл ҳаритаси” дастури доирасида минтақада 497та инфраструктурумага оид лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда. Натижада 22 мингта янги иш

МЧБ ламинатланган ёғоч-пайраха плитаси (ДСП)ни ишлаб чиқариш ҳамда жиҳоз тайёрлаш цехининг дастлабки навбати ишга туширилди.

Кентов шаҳрида лойиҳавий қуввати йилига 1500 тонна, умумий қиймати 150 млн. тенгени ташкил қиласиган 20та янги иш ўринига эга “Статус Эверест” МЧБ пластикни қайта ишлаш “ПЭТ, ПП, ПЕ” лойиҳаси амалга оширилди. Шунингдек, бу шаҳарда лойиҳа қуввати йилига 300 минг тонна, умумий қиймати 700 млн. тенгени ташкил қиласиган 150та янги иш ўринига эга “Vostok Minerals” МЧБ баритни қайта ишлаш заводи ишга туширилди.

Сайрам туманинда лойиҳавий қуввати йилига 600 тонна, умумий қиймати 500 млн. тенгени ташкил қиласиган 80та янги иш ўринига эга “Ақсу” МЧБ сутни қайта ишлаш заводи топширилди. Ушбу туманда лойиҳавий қуввати йилига 50000 тонна, умумий қиймати 3456 млн. тенгени ташкил қиласиган, 34та янги иш ўринига эга “Nirym Group” МЧБ жорий йилда ош тузи ишлаб чиқарадиган ускуналарни ўрнатиб, туманда лойиҳавий қуввати йилига 80 000 тонна, умумий қиймати 380 млн. тенгени ташкил қиласиган, 15та янги иш ўринига эга “Абдуқодиров Н.М.” ХТ омихта ем ишлаб чиқариш ускуналарини ўрнатиб, корхонанинг иккинчи навбатини ишга туширилди.

Чордара туманинда лойиҳавий қуввати йилига 50 000 тонна, умумий қиймати 5475 млн. тенгени ташкил қиласиган, 250та янги иш ўринига эга “International Company of Cotton” МЧБ пахтани қайта ишлаш заводи иш бош-

лади.

Қазигуфт туманинда лойиҳавий қуввати йилига 1100 тонна, умумий қиймати 5,7 млрд. тенгени ташкил қиласиган 48та янги иш ўринига эга “CG Foods Central Asia” МЧБ тез тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари цехи муддатидан аввал – 2019 йилда фаолиятини бошлади.

Ўрдабоши туманинда лойиҳавий қуввати йилига 15 000 тонна, умумий қиймати 4,0 млрд. тенгени ташкил қиласиган, 50та янги иш жойига эга “Green technology industries” МЧБнинг полиэтилен маҳсулотларини қайта ишлаш, синтепон толасини ишлаб чиқариш лойиҳасининг иккинчи навбати ишга туширилди.

Туркистон шаҳрида пойдевор блокларини чиқарадиган, умумий қиймати 216 млн. тенгени ташкил қиласиган, 57та янги иш ўринига эга “Айбек ЛТД” МЧБнинг қоплама плиталари, пойдевор блоклари ҳамда тобар бетони ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди.

Келес туманинда лойиҳавий қуввати йилига 18 тонна, бешта янги иш ўринига эга “Көшім” балиқчилик хўжалигининг қайта ишлаш цехи ишга туширилди.

Галдаги режалар ҳам залворли. Индустрлаштириш харитаси доирасида сармоявий қиймати 14,8 млрд. тенгени ташкил қиласиган 11та лойиҳа амалга оширилиб, 600дан зиёд иш ўрини очилди.

Минтақанинг сармоявий ахволини яхшилаш мақсадида 2019 йилнинг февраль ойидан бошлаб “TURKISTAN” махсус иқтисодий минтақасининг Бошқарувчи компанияси хиссодар-

лик жамиятининг иш юритиши учун маҳаллий бюджетдан 2 йил муддатга 600 млн. тенге маблағ ажратилиди.

“TURKISTAN” МИМ 5та алоҳида ҳудудга бўлинган, унинг таркиби: майдони 297 гектарли тарихий марказ, майдони 1350 гектарли маъмурӣ марказ, майдони 365 гектарли ва 35 гектарли саноат ҳудудлари, майдони 967 гектарли аэропорт киради.

Ҳозирги вақтда “TURKISTAN” махсус иқтисодий минтақасининг Бошқарувчи компанияси хиссодарлик жамияти томонидан тарихий-маданий марказ ҳудудида умумий қиймати 38,0 млрд. тенгени ташкил қиласиган “Шарқ бозори” лойиҳаси бўйича, маъмурӣ-тадбиркорлик марказида умумий қиймати 33,6 млрд. тенгени ташкил қиласиган 5та лойиҳа бўйича, вилоят ҳоқимлигининг қўллови билан “VI GROUP” МЧБ ҳамда YDA(Туркия) холдинги давлат-хусусий ҳамкорлиги доирасида МИМ ҳудудида умумий қиймати 110 млрд. тенгени ташкил қиласиган 5 кўн соҳали тиббиёт муассасаси курилиши бўйича, шунингдек, саноат ҳудудида умумий қиймати 17,6 млрд. тенгени ташкил қиласиган 8та лойиҳа бўйича музокаралар юритилмоқда.

“Жанубий Қозогистон” мухбири.

**ИШСИЗЛИККА
БАРҲАМ БЕРИЛАДИ**



• 16 октябрь – Халқаро озиқ-овқат куни

ФАРОВОН ЎРТНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ БЕҚИЁС

ҚОЗОҒИСТОН ДУНЁ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАРКАЗЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНАДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) 1945 ийл 16 октябрда ташкил этилган бўлиб, шу йилдан эътиборан ҳар йили 16 октябрь куни Бутунжашон озиқ-овқат куни сифатида кенг миқёсда нишонланади.

Бутунжашон озиқ-овқат куни вазифаси қийидагилардан иборат:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эътибор қаратиш ва миллий шароитларни фаоллаштириш, иккитомонлама ва кўптомонлама ҳамкорликлар ҳамда ушбу соҳадаги нохукумат ташкилотлар фаолиятини йўлга қўйиш;

- ривожланәтган давлатлар ўртасида иқтисодий ва техники ҳамкорликларни ривожлантириша кўмаклашиш;

- қишлоқ аҳолиси, айниқса, хотин-қизлар ва энг кам имтиёзли тоифага эга аҳолига яқиндан ёрдам бериш, улар иштирокида яшаш шароитларини яхшилаш фаолиятларга оид қарорлар қабул қилиш;

- аҳолининг дунёдаги очарчилик муаммоларига оид хабардорлик малакаларини ошириш.

Қозогистон Республикасида иқтисодийтнинг аграр тармогини барқарор ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов



берадиган янги техника ва технологиялар умумий майдони 15,8 миллион гектарни ташкил этди, гектарига 12,8 центнер ўртача ҳосил билан 20 миллион тонна фалла йигиб олинди. Дон ва дуккакли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми мамлакатнинг ички эҳтиёжларини тўлиқ қондиради ва 7-8 миллион тонна фалла экспорт қилишга имкон беради.

ҚР Баш вазири Асқар Мамин Ҳукумат соатида мамлакатимизнинг яқин йилларда дунёдаги озиқ-овқат марказларидан бирига айланишини маълум килди. Бу бежиз эмас. Жорий йил Қозогистонда 20 миллион тонна фалла йигилди.

Айни пайтда бошоқли дон экинларнинг

умумий майдони 15,8 миллион гектарни ташкил этди, гектарига 12,8 центнер ўртача ҳосил билан 20 миллион тонна фалла йигиб олинди. Дон ва дуккакли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми мамлакатнинг ички эҳтиёжларини тўлиқ қондиради ва 7-8 миллион тонна фалла экспорт қилишга имкон беради.

Қозогистон ахборот агентликлари материаллари асосида тайёрланди.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ЖАРОҲАТЛАР

Туркистон вилоятида 9 ой ичидаги ташкилотлар ва корхоналарда ишлаб чиқариш пайтида 46ta баҳтсиз ҳодиса рўй берган. Унда 67 одам жароҳат олиб, 13 нафари вафот этган. Бу ўтган йил билан таққослаганди, 2 баравар кўп.

Жароҳат олиш сабаблари – ишчилар ўртасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидалари ҳақида маълумотларнинг етишмаслиги.

Ишлаб чиқариш жараённада шикастланиши камайтириш чора-тадбирлари ҚР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Меҳнат, ижтимоий муҳофаза ва миграция қўмитаси раиси Ербўл Нурғалиев, Туркистон вилояти ҳокимининг ўринбосари Сакен Қалқаманов, маҳаллий ижро органлари тасарруфидаги бошқармалар раҳбарлари иштирокида ўтган учрашувда аввалароқ муҳокама қилинди.

Меҳнат, ижтимоий муҳофаза ва миграция қўмитаси раиси бошчилигидаги делегация қатор қурилиш ва саноат корхоналарини олади.

Учрашувда шикастланиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузиш, хавфсиз меҳнат усуслари бўйича ўкув машгулотларининг камлиги, иш ўринларини ташкил этишдаги камчилклар сабаб бўлаётгани таъкидланди.

Иш берувчиларнинг ижтимоий масъулиятини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш билан бўлгик меҳнат жароҳатлари юзасидан олиб борилган маҳсус тергов амаллари тугагач, натижалари уч томонлама комиссияга топширилиши тўғрисида қарор қабуллари. Ишлаб чиқаришдаги жароҳатларнинг олдини олиш ва огоҳлантириш учун кўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилиди. Меҳнат муҳофазасини бошқариш тизимини татбиқ этиш, иш ўринларида хавфсизликни камайтириш ва Халқаро ижтимоий таъминот ҳамжамиятининг "VizionZero" дастурини кенг тарғиб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Учрашув якунидаги 2019-2023 йилларга мўлжалланган меҳнат жароҳатлари, зарарли ва хавфли меҳнат шароитлари мавжуд иш ўринларини қисқартириш, йўл ҳаритасини амалга ошириш вазифаси берилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ИБРАТЛИ ТАШАББУСЛАР

Тўлебий туманида жорий йил куз мавсумида 5 минг туп мевали дарахт кўчкатлари ўтқазиш режаланган. Бундан ташқари, 200 оиласа кўчкатлар белуп тарқатилади.

Туманда сўнгги беш йилда амалга оширилаётган «Яшил ўлка» дастурининг ташаббускорлари, яъни бир гурӯҳ тадбир-

корлар ҳам бу тадбирда фаол иштирок этмоқда.

Туман маслаҳати котиби Н. Қўйибагаров бошчилигида бир гурӯҳ туман маслаҳати депутатлари Абай овулида 2 чақирим узунликдага ариқ бўйига мевали дарахт кўчкатлари ўтқазиши.

14та қишлоқ округидаги 150дан зиёд

аҳоли манзилини кўкаламзорлаштириш мақсадида туманда кенг қарорлари ишлар оширилмоқда.

– Ҳовли-жойлар, кўп қаватли уйлар, боф-роғлар, далаларда тозалик ва ободонлаштириш, теварак-атрофдаги дарахтларга шакл бериш, оқлаш, йўл, ариқ ва кувурларни тозалаш – ҳалқимизнинг йил бўйи бажарадиган эзгу ишларидан. Бу одамлар орасида ўзаро меҳр-оқибат, ҳамхиҳатликни янада кучайтириш, худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, санитария ҳолатини яхшилашга хизмат қиласи, – деди Н. Қўйибагаров.

«Жанубий Қозогистон» мухбири.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
МАКТУБИ 2020

ЯНГИ ВАЗИЯТДАГИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ



БАНДЛИК МАСАЛАСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Жорий йилда юртимизда "Бандлик йўл ҳаритаси" доирасида 6,5 мингта инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш кўйидаги 4 асосий йўналиш бўйича амалга оширилмоқда:

- ижтимоий-маданий обьектларни тубдан ва жорий таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш (таълим, соғлини

сақлаш, ижтимоий таъминот, маданият, спорт, хордиқ ва ҳқ);

- ўй-жой-коммунал хўжалик обьектларини капитал, ўрта ва жорий таъмирлаш, реконструкция қилиш (сув таъминоти, канализация, газ, иссиқлиқ, электр энергияси);

- муҳандислик ва транспорт инфратузилмасини капитал, ўрта ва жорий таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш;

- аҳоли пунктларини ободонлаштириш (ҳовлиларни ободонлаштириш, кўчаларни, паркларни, майдонларни ёритиш ва кўкаламзорлаштириш, эгасиз обьектларни бузиш ва ҳқ).

Йўл ҳаритасини амалга ошириш мақса-

дида бюджетдан жами 1 триллион тенге ажратилди, шундан 37 фоизи (373 миллиард тенге) курилиш ишларига, 19 фоизи (182 миллиард тенге) капитал таъмирлашга, 31 фоизи (308 миллиард тенге) жорий ва ўртача таъмирлашга, 16 фоизи (127 миллиард тенге) бино ва иншоотларни реконструкция қилишга сарфланади. Ка-

питал, ўрта ва жорий таъмирлаш, реконструкция ишлари республика ёки коммунал мулк обьектларида амалга оширилмоқда.

primeminister.kz
сайти маълумотлари
асосида тайёрланди.



Вилоятимизда фидойи, эл корига камарбаста бўлаётган инсонлар оз эмас. Шундайлардан бири – шимкентлик тадбиркор Невмат Холметов ўз олдига аниқ мақсад қўйган ва умрини эзгу ишларга баҳшида этаётган камтарин инсон.

Шунингдек, Н. Холметов "Жанубий Қозогистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг жон-куярларидан, нашр саҳифаларида қандай мавзуларни ёритиш ва муҳлисларнинг дилидагини, дидагини чоп этиш борасида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб турди.

– Невмат ака, сиз муштари сифатида газета саҳифаларида қандай мавзулар ўрин олишини маслаҳат берган бўлар эдингиз?

– Менимча, одоб-алоқ, тарбия ва билим ҳамда ёшларнинг ота-она олдиаги бурчи, жамиятдаги ўрнига багишиланган мавзулар ёритилса, айни мудда бўлар эди. Ҳозирги кунда ёшларимиз учун барча шароитлар яратилган. Лекин улардан самарали фойдаланилмаётгани яқол кўзга ташланади. Масалан, уларда билим олишга бефарқлик, лоқайдликни кузатамиз. Мақсадига осон йўл билан эришишин, айниқса, жон қийнамай кўпроқ пул топишни одат қилиб олишган. Устига-устак, оила қуришда ҳам ота-оналарига суюнишади, десам мубоблаға бўлмас. Тўғри, ҳеч бир ота-она фарзандига ёмонликни право кўрмайди. Лекин ўша ўғил ёки қиз болада мустақил фикр, танланган касб ва аниқ мақсад бўлиши керак-да.

Бизда-чи ота-она эртаю кеч пул топиш билан овора бўлиб, фарзандининг таълим-тарбиясини бир четга суринб қўйишиади. Алал оқибат, ҳамма нарсага осонгина эришган фарзанд ота-онанинг, яқинларининг қадрига ета олади, деб ўйлайсизми? Йўқ, албатта, қадрига етмайди. Шунинг учун фарзандни билим ва меҳнатга жуда эрта ўргатиш позим. Шундагина у ота-она ва яқинларининг, меҳнатнинг ҳамда топган пулнинг қадрига ета оладиган комил инсон бўлиб вояга етади.

Мени бугунги ютуқларимга осон эришиди деб ўйлайсизми? Бу довононларни забт этгунча қанча машақкатларни кўрмадик. Лекин ҳалол йўлдан бордик, натижаси ёмон бўлмади.

1987 йили Кўроғшин заводида меҳнат фаoliyitimiшни бошладим. У ерда кўроғшин эртадиган қозонларни вақти-вақти билан тузатишарди, унинг сифатини текширувчи, "OTK" назоратчиси бўлиб тайинландим.

1988 йилдан 1993 йилга қадар турли корхоналарда уста бўлиб меҳнат қилдим. Жуда оғир давр эди. Олий маълумотли мұхандислар, ўқитувчилар, ҳатто фан номзодлари ишсизликдан ўзини савдога уриб, тириклигини базур ўтказиб кун кўраётган давр эди. Собиқ Иттифоқ инкорозга учраган пайтлар эди. Кечагидек ёдимда, ширкатда ишлаб юрган пайтимда дастлабки маошим – 700 сўмни дадамга ушлатганимда, "уттиз йилдан ортиқ жарроҳ-хилик қилибману, нафақага 300 сўм билан қишибман", деганди.

– Бу пулни қайтариб бер, бундай ойлик бўлиши мумкин эмас, яна қамалиб кетма,

Невмат ХОЛМЕТОВ: “ТАДБИРКОРНИНГ ОМАД КАЛИТИ - ҲАЛОЛЛИК”

– дедилар отам қўлимдаги пулга ҳадиксираб боқиб.

Мен дадамнинг соддалигидан кулиб юбордим.

– Энди турмуш бошқача бўлади, ер деҳқонники, завод ишчиники, фақат ҳалол меҳнат қилиш керак, дада, – дедим унга қараб.

– Эҳтиёт бўл, болам, товламачиларнинг тузогига тушиб қолма, – деди у яна ҳадиксираб, бир менга, бир пулга қараб.

Кейинчалик, тўплаган маблагимни хусусий корхона очиш ва уни ишга туширишга сарфладим. Шундай қилиб, 1999 йили "Евролюкс" компанияси ташкил топди. Унда пенопласт ишлаб чиқаридиган цех бор. Ҳозирги кунда 7 нафар ишчи фаолият юритади. 4та савдо дўконимиз ва 2та омборимиз мавжуд, Умумий ишчилар сони 80 нафар.

– Хусусий ишингизни юритиша давлат томонидан қўллов кўрсатилдими?

– Йўқ, умуман давлатнинг имтиёзларидан фойдаланмаганим. Шу кунга қадар эришган ютуқларимнинг ҳаммаси ҳалол меҳнатни ва олижонаб инсонларнинг қўллаб-куватлаши туфайли бўлди.

– Микозларингиз қаердан?

– Қозогистоннинг барча вилоят, шаҳар, туманларидан. Маҳсулотларнинг сифати бўйича шу кунгача ҳали бирон марта эътиroz билдирилганини эшитмадим. Аслида бизнинг соҳада сифат асосий роль ўйнайди-да.

– Ёш тадбиркорларга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

– Менимча, биринчи навбатда иш бошлайман, деган ёшларимиз билимдон, заковатли ва меҳнатсевар бўлиши керак, чунки у ҳар томонлама мукаммал бўлиб, ўзи ҳамасбларига, ишчиларга намуна булиши керак.

Иккинчидан, ҳалолликни ўзларига шиор қилиб олишсин, сабаби, ҳар қандай ишда адолат ҳўмрон бўлсагина иши олга силжиди.

– Невмат ака, "Қуш уясида кўрганини қиласи", деган ажойиб нақл бор...

– Албатта, фарзанд ота-онанинг кўзгудаги акси. Демак, фарзанднинг қандай оиласида тарбия топганини унинг ота-онасидан билиб олиш мумкин. Сабаби, гап-сўзингиз, юриш-туришингиз орқали сиз фарзанднингизни тарбиялаб борасиз. Шунинг учун ота-оналини фарзанд олдиаги жавобгарлиги ўта мухим. Масалан, айтайлик қизингиз ёки ўғлингизнинг олдида ёлғон гапидингиз, бу билан сиз тўғридан-тўғри фарзанднингизга ёлғон гапиришин ўргатдингиз. Шунинг учун ота-оналини фарзанд олдида ҳар бир хатти-ҳаракатини билиб, гап-сўзини ўйлаб, ҳалол ва пок бўлмоғи керак. Чунки, у ўзидан кейинги ворисини, ишининг давомчиларини тарбияламоқда, шуни доим ёдда тутиши керак...

– Оилангизда сизнинг издошларингиз борми?

– Ҳа, албатта, катта ўғлим Мақсад Шимкент иктисодиёт коллежини тамомлайди. "Евролюкс" компаниясида ишлягти. Қизим Гавҳар ЖҚДУнинг инглиз тили факультетини тамомлаган. Ҳурсандбек эса 42-сонли Ҳамза номли ўрта мактабни тутатиб, "Евролюкс" компаниясида меҳнат қилмоқда. Маҳмуджон "SILKWAY" универсitetining информатика факультетida таҳсил олган.

– Тадбиркор, ота ва намунали оила соҳиби сифатида фарзандларингизга нималарни ўтирган бўлар эдингиз?

– Отам раҳматли камтарин инсон эдилар. 1958 йили Тошкент Тиббиёт инститutини қизил диплом билан тамомлаб, она шахри Шимкента қайтгач, 2-сонли шаҳар касалхонасида жарроҳ бўлиб фаолият юритди. Ҳозир ўйлаб қарасам, дадам уч мингга яқин одамни жарроҳи қилиб, хаётга қайтарган экан. Тұрмушимиз ўртacha эди. Онам Карима уй бекаси, эпчил, чақон,

меҳнаткаш ва сабр-тоқатли аёл эди, рўзгор тутишини ўрнига қўярди. Дадам Собиржон маошини жуда эҳтиёт қилар, рўзгорга зарур нарсаларнинг ҳарид қиласи. Сабаби ўй куришини бошлаб қўйган эди-да. Ҳануз ёдимда, уйимизга келган курувчилар ёғочдан машина ва тўпчона ясаб беришган. Биз ака-укаларнинг мириқиб ўйнайдиган ўйинчомиз шулар эди.

Оилада уч ўғил ва бир қиз вояга етдик. Дадам раҳматли ўғил болаларга жуда талабчан эдилар. Синглим Лолани эса эркалаторди. Онам меҳрибон аёл эди. Бир куни амаким бизнисига тушликка келиб қолдилар. Овқат тайёр, фақат нонга пул етмаслиги сабабли онам мунғайбид ўтириди. Шунда қайнисидан пул сўрашга ботинолмай, кўзларди йилтиллаган иккитомчи ёш менинг юрагимда умрబод муҳрланиб қолди. Шундай кунларни кўрганим учун ҳам инсон ва меҳнат қадрини эрта англаған бўлсан керак.

1971йил 1 сентябрь куни 25-сонни ўрта мактабнинг 1-синфига қабул қилиндим, менини Солиҳа опа кутиб олди. Сўнгра 2-синфни А. П. Чехов номли ўрта мактабда давом эттиридим.

– Инсон умрининг лаззати унинг болалик йиллари дейишид... Айтингчи сизда болаликдан қандай хотиралар қолган?

Эсда қоларлisisi, мактабда ўтган ўқувчилик даврим. Юқорида таъкидлаганимидек, дадам ўғилларига жуда талабчан эдилар. Қундакидаги дарсларимизни текшириб, кўшимчадаги бадийи китоблар ўкишни ҳам тавсия қиласидилар. Бошлангич синфда ўқиб юрган пайтимизда Вера Михайловна рус тили ва адабиётини жуда қизиқарли ўтарди. Айниқса, ўзбек болаларининг русча талафузига катта эътибор қаратарди. Устознинг шириңсұханлиги туфайли мен ҳам бу фанни чуқур ўрганишга ҳаракат қилимдилар.

Юқорида синфларда ўзбек тили ва адабиёти фани муаллимаси Каромат Раширова, кимё ва биологияндан Зарифа Қосимова, алгебрадан Мўмин Аҳмедов, рус тили ва адабиётидан Ҳонзода Абдуқодирова ҳамда жисмоний тарбия ўқитувчили Невмат Холметов ва меҳнат таълими ўқитувчилари Идрис Содиков ҳамда Юнус Юсповларнинг хизмати беқиёсdir.

Шунингдек, мен шаҳарларара фан олимпиадаларида биология, кимё фанларидан совринли ўринларни эгалладим. Гандбол, футбол, баскетбол тўғарапларига қатнашганман, мактаблараро мусобақаларда совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдим.

– Юқорида қайд этилганидек, дадангиз бутун умрини, билимни тиббиёт соҳасига бағишлаган инсон. Не боис ота изидан бормадингиз?

– Мактабни 1981 йили аёло баҳоларга тутатдим. Отамнинг маслаҳати билан Сармаканд тиббиёт инститutiга хужжат топширдим. У пайдада киши имтихонларидан аввал талаба билан сұхбат юритиларди. Ҳашдан домлалардан бири шундай савол берди:

– Сиз ўз ҳохишингиз билан ўкишга келдингизми?

– Йўқ, мен қондан қўрқаман, – дедим дадил.

– Үнда рухсат, сиздан яхши жарроҳ чиқмайди, – деди у кулимсираб.

Мен ўшанда тиббиёт инститutiга ўкишга кирмаганимдан дадам қаттиқ ранжирилар, ҳатто иккни ҳафтагача мен билан гаплашмай юридилар.

Мен эса ўз навбатида Чимкент кимё-технология инститutiнинг "Нефть ва газ"-ни қайta ишлаш факультетига ўкишга кирдим. Кечки бўлумида ўқиб, ҳам ишладим.

– Тадбиркорлини йўлга кўйишда сизга кимларнинг ёрдамлари қўл келди?

– Фарзанд учун ота ва онадан яқин

инсон бўлмайди. Менимча, дадамнинг панд-насиҳатлари, онамнинг дуолари ҳамда укаларим Олимжон ва Улуғбекларнинг қўллови мадад бўлди. Яна мен учун азиз устозим Шуҳрат аканинг маслаҳатлари жуда аскотди.

– Бугунги кунда ҳалол меҳнат тифайли кўплаб ютуқларни қўлга киритиб, нафақат республикада балки хорижий давлатларда ҳам сифатли маҳсулотларнинг билан машҳурсиз. Компаниянгиз қайси давлатлар билан ҳамқорлик ўрнатган?

– Биз элликка яқин давлат билан ҳамқорлик қиласиз. Ҳомашени Россия, Хитой, Беларусь, Германия, Қозогистоннинг турли вилоятларидан келтирамиз. Компания маҳсулотларига эса Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозогистоннинг турли вилоятларидан мизозлар келиб, бујортмалар беради.

– Тадбиркор, сифатида бугунги ёшларга қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?

– Биринчи навбатда ҳалол меҳнат қилишларини истардим. Иккинчидан эса ёшларни ҳар қандай вазиятда ҳам ёлғон гапирмасликка даъват этган бўлардим.

Ота сифатида эса ёшларга оддийликни, камтаринлик ва одобни кандай қиласи мазлаҳат бераман. Чунки инсонни кўнгил мулкидан ташқари одамийлик зийнати безаб туради. Сабаби, ҳазрати Инсонни асрлар давомида ақл-идроқи, зеҳни ва билими учун ҳурмат қилиб келишган. Агар сиз моддий бой бўлсангизу, кўл остингизда минглаб одамлар меҳнат қиласо, сиз маънавиятдан йироқ бўлсангиз, унда умрининг беҳуда бекорчиликда ўтди, деяверинг. Сабаби, маънавий қолоқ инсон атрофдагиларга, кўл остидаги ишчиларига маъноли гап айтиш у ёқда турсин, тўғри тарбия бера олмайди. Тарбия ва ҳамжихатлик йўқ жойда ҳар қандай буюк ишлар ҳам инқизорга юз тутиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шу бойисдан ҳам тадбиркор изланувчан, замон билан ҳамнафас одим ташламоги жоиз. Айниқса, ёшларнинг билим эгаллашида бефарқ қилиб ўғливигимиз керак. Ўзбек ҳалқининг энг ёмон одатларидан бири – фарзандларининг билим эгаллашига унча эътибор бермайдилар. Қиз болани умуман ўқитмай қўя қолишади... Ўғил болаличи? Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, қўлида на бир хунари, на бир дипломи бўлмаса, у қандай қилиб ҳаётда ўз ўйлини топади? Ота-онасиши, оиласини қандай асрайди. Ҳалқимизда доно фикр бор: "Билимлингни, билаги өзур бирни өнгариш", шундай экан фарзандларимизнинг ўғилми ёки ўз болами ўқимишли бў

Убайдулла Алиқұлов 1932 йил Чимкент шаҳрида Алиқұл ота ҳамда Офият ая хонадонида таваллуд топди.

Улар рисоладагидек умргузаронлик қи-
ләттәнларыда даҳшатлы уруш бошланди.

Эл қатори Алиқұл ота ҳам урушга са-
фарбар этилиб, оила боқұвчысиз қолди.
Уннинг оғир, залворлы аравасини тортиш
ёлғиз Офият онанинг гарданица қолди.
Устига-устак Тошкентта яшайдиган қайн-
синглиси эридан "қорахат" олғач, уч бола-
сини етаклаб, ота уйига қайтиб келди.

Орадан күп вақт ўтмай Алиқұл отадан
ҳам мұхыши хабар келади.

Офият кепиннинг зиммасыда кекса қайн-
онаси, тұрт фарзанди, ҳамда қайнсингли-
синаң оиласы ҳам бор эди.

Болалигидан хаёл огушида саир этиши-
ни ёқтирадиган Убайдулла баъзан амма-
синаң тұполончи болалари билан ҳам
уришиб-жанжаллашиб қоларкан. Үшанды
онаизор ўғлиға танбех беріб, күпгә келган
түй, мөхр-оқибатлы бұл, ўғлим, дея наси-
хаттар бераркан.

Офиятхон қайнонасидан дуо олган
келин: "Илойим, бола-чақанғны роҳатини
күр, тупрок олсанғ олтын бұлсын", – деб
алқаб дуо қоларкан.

Болалиги уруш даврига түғри келса ҳам
Убайдулла билимға чанқоқ бўлди. У лампа
еруғида бадиий китобларни күп ўқиди.

1949 ийли Тошкент "Театр – рассом-
чилик" институтына кириб, уни 1953 ийли
муваффақиятла тамомлади.

Убайдулла институтнинг биринчи бос-
қичида ёк Ҳамза номли драма театрига
ишга кириб, ҳам ўқиб, ҳам ишлаб, актёр-
лик санъати сирларини ўргана бошлади.

У санъат оламига қанчалик ошуфта
бўлмасин, оилавий шароити туфайли уни
тарк этишига мажбур бўлди. Она шаҳрига
қайтиб келгач, мөхнат фаолиятини Али-
шер Навоий номли 16-сонли мактабда
ашула ва расмдан дарс бера бошлади.
Шу йилдан бошлаб Улуғбек номли 3-сонли
ўрта мактабда ҳам фаолият юритади.
Мазкур мактабларда 1953 йилдан 1961
йилгача, 1961 йилдан 1972 йилгача Улуғ-
бек ва А. П. Чехов номли 21-сонли мактабда,
1972 йилдан нафақага чиққунга қадар
42-сонли ўрта мактабда ишлайди.

Убайдулла Алиқұлов билимдөн устоз-
лардан эди. Юксак дид ва салоҳият соҳи-
би бўлган устознинг истеъдодлари олмос-
дек серкирра эди. У нозиктаъ бусаввир,

УСТОЗЛАРИМ – МУМТОЗЛАРИМ



тутни тамомлаган йили турмуш куришган
эди.

Улар бир-бирларини бир имо-ишора
билан тушунишар, илоҳий түйғу билан дил-
дагини юракдан ҳис этардилар.

Шу билан бирга ёш оиланинг гарда-
нида катта рўзғор ташвиши ҳам бор эди.
Сабаби Убайдулла ака оиланинг тўнғичи
бўлгани учун у онаси ва ука-сингилларига
ҳам ёрдам бериши керак эди. Шу туфайли
улар ҳаёт сўқмоқларида, қийинчиликла-
рида елкама-елка туриб, бир-бирларига
мадад берни яшадилар.

Гўзал оиланинг Аллоҳ берган тұрт фар-
занди Адибахон, Зулфияхон, Маъмуржон
ва Фаридахонлар ота-онанинг қувончи
эдилар.

Ола ишбильармон, зукко, саранжом
бўлиш баробарида бекиёс пазанда ҳам
эдилар.

Устозни нафақага кузатиш тадбирида
опанинг айтган гаплари ҳануз қулогимда
жаранглайди: "Мен ўтган умримга шукр
қиламан. Ҳаётимда уч марта ўлимдан
қутқарган, она бўлиб манглайимни сила-
ган, ҳаёт сўқмоқларида қоқилганимда ота
бўлиб насиҳат қилган, мөҳнат ўйлида энг
яқин суюнчигим бўлган, катта анжуманлар
иштироқчиси бўлишимга сабаби бўлган,
мана бугун кексаликнинг дастлабки онла-
рини шўх кулгу, шодиёна билан бошлаб
берган, баҳтиёр умримнинг таянич, бола-
ларимнинг отаси – сизга қўлимни кўксимга
кўйиб таъзим қиламан", деган эдилар.

Азиз ва мўътабар устозларим Убай-
дулла ака ва Рихсибуви опа, сизларнинг
сифатларингиз, хислатларингизнинг адоги
йўқ.

Рухларингиз шод, охиратингиз обод
бўлсин. Ушбу номам сизларнинг буюк
хизматларингиз олдида бир чироғ бўлсину
ул дунёнинг нурафшон айласин, азиз
устозларим – мумтоzlарим.

**Назира Йўлдошева,
мөхнат фархрийи.
Шимкент шаҳри.**

● Чойхона ҳангомалари

ЖУДА ҚУВ ЭКАНСАН-А ДАН ХОДИМЛАРИ ШОШИБ ҚОЛИШДИ

Толиббой ҳожи Ниёзхожиев
хавфсизлик камарини тақиши
ёдидан кўтарилиб кетаётгандан
рўпаратдан келаётган ДАН ходимлари
бурилиб, унинг изига
тушишиади. Тадбиркор ва хо-
нанданинг мияси яшин тезли-
гина ишлаб, машинасини янги
курилаётган масжид томонга
буради. Туша солиб, ҳали иш
бошламаган қурувчиликага бақи-
ра бошлади.

– Нега бекор турибсанлар
цемент бор, ғильт бор, ахир
масжидимиз муддатидан аввал
битиши керак-ку! Ё маблаг ет-
маябдими? Мана ДАН ходимлари
ҳам келишиди! – Шундай деб
у "Изқуварлар"га ўғириндида,
– Қани қанча оп келдинглар?

– Бизнинг бошлигимиз кел-
моқчииди...
– Бошлиқнинг йўли бошқа,
борини бериб кетаверинг!

ДАН ходимлари зўрга пул
чиқаришиб беришди ва шалпай-
ганча изларига қайтишиди...

Аваз Қўзи.

Ҳикматлар

Жалолиддин Румий

- Гулнинг гўзаллиги – уругининг поклигидан, ин-
соннинг гўзаллиги қалбининг поклигидандир.
- Қумнинг бир заррасиман, аммо бепоён чўлнинг
дардини ортмоқлаб юрибман.
- Тупроқдан келдик, тупроқка кетармиз. Мухими
дунёда кирланмаслиқдир, кўнгилни пок тутмоқ, дил-
га кир юқтирамаслиқдир...
- Агар тақдир этса Аллоҳ – кўл ҳам олиб келар,
ел ҳам олиб келар, сел ҳам олиб келар. Гар тақдир
этмаса Аллоҳ – кўл ҳам олиб кетар, ел ҳам олиб кетар,
сел ҳам олиб кетар...
- Ҳаққа етмоқ истасанг, кўнгилларни қозонмоқни
маслак айлагин, бунинг учун саройларда мармар
бўлма, бир тупроқ бўлгинги, бағрингда гуллар етиш-
син...
- Унутма! Иймонда кетмоқ, жаннатга эришмоқ
учун бир умр лозим, буларнинг баридан айрилмоқ,
куфрда кетмоқ учун бир лаҳза кифоя.
- Яхшилик изла, тўғрилик изла, гўзаллик изла,
аммо айб излама.
- Савдоси, сармояси, мол-дунёси кўп одамнинг
имтиҳони ҳам оғир бўлур.
- Ишик улканнинг имтиҳони ҳам залворлидир.
- Гўзаллигинга қувонма, уни бир сўғал бузу
олар, мол-мulkинга қувонма, уни бир оғат олиб
кетар. Роббинга қувон, у ҳаммасига кифоя этар...
- Инсонларни китоб каби англант. Муқовасига
қараб алданманг, ичини ўқиб чиққачгина моҳиятини
билирсиз...
- Гиламни калтак билан қоқмоқ гиламга озор
бермоқ учун эмас, гиламни покламоқ учундир. Аллоҳ
сенга ташвиш берар экан, сени имтиҳон қилиб тоза-
лар, чангю ғуборингни кетказар. Қайғурма...
- Ақлим ҳар кун товба қилар. Нафсим ҳар кун
тovbamни бузар. Иккисининг орасида қолган бир бе-
чораман. Яхшиямки, Роббим, сенинг даргоҳинг бор...

● Маңнавият мезони

● Қоф тоғи қадар юксакда бўлсанг-да, бир кафанди
сағар даражада кичиксан. Унутма, ҳар нарсаннинг
ҳисоби бор, қарзингни узгунинг қадар узилурсан...

● Гул деганинг нима сенинг? Уч-тўрт тикон, бироз
япроқ,

● Недур сен севган бу ҳаёт? Уч-тўрт нафас, сўнгра
тупроқ...

● Ичингни ташингдан ҳам кўра кўпроқ покла,
обод қил, чунки ташингни ҳалқ (маҳлук) кўради,
ичингга Аллоҳ (холиқ) кўради...

● Жоҳил киши қараб туриб гулнинг гўзаллигини
кўрмас, тиконларига тикилур.

● Инсон бир дарё кабидир, сатҳи кўриниб туради,
тубида не бўронлар кўпар, не пўртанаалар тошар,
сўзламас, жимгина оқар ва кетар...

● Адолат недур? Гулни суғормоқдир.

● Зулм недур? Тиконларни суғормоқдир.

● Ҳаёт олганинг қадар нафасидир, ҳаёт қолганинг
қадар қафасидир, ҳаёт толгунинг қадар ҳавасидир...

● Роббингга қараб: «Менинг буюк дардим бор» -
дема, дардинга қараб: «Менинг буюк Роббим бор»,-
дегин...

● Ишқни бийрон сайраётган булбулдан эмас,
сассиз-садосиз жон берәётган парвоналардан сўра.

● Миллиардлаб бир-бир алоҳида ёғилаётган,
минг-минглаб масофада бир-бiriни туртмасдан
ерга айро тушаётган қор учунлари охири охират
бўлган дунё ўйларида миллиардлаб инсонлар бир-
бiriiga зарап бермай, халақит қилмай яшашлари,
ҳаракат қилишлари мумкинлигини англатади, ахир...

Таржимон Карим БАҲРИЕВ.

Объявление

Утерянный устав Южно-Казахстанского
областного общественного объединения
«Союз Чернобыль» (БИН 971040009105) счи-
тать недействительным

АВЛОДЛАР БИРЛИГИ ВА ВОРИСДОШЛИГИ

Туркистон шаҳридаги Социалистик меҳнат қаҳрамони Эргаш Иззатуллаев номли мактабда Мақсуд Иззатуллаев номидаги синфона очилди.

Туркистон шаҳридаги фаол обуначимиз Мухаммадрасул Иззатуллаев раҳбарлик килаётган Эргаш Иззатуллаев номли мактаб жамоаси барча жаҳжаларда пешқадам. Аҳил, ишчан, бирлиги ярашган устозлар аҳли доимо эзгу ва ибратли ишлар билан банд. «Жанубий Қозогистон» газетаси саҳифаларида Қарнокда Собиржон Юсупов, Чўрноқда Азимбой Ирисбеков ҳамда Тиловберган



синфлар сонини муносиб устозлар номига бериш эвазига кўпайтириш таклифи айтилди. Юқорида номлари аталган ҳурматли инсонлар билан бирга Ҳасан Шерметов, Шуҳрат Абдурасулов каби устозлар, Зарифа Эргаш қизи, маҳалла кўмитаси фаоллари ҳам самимий ниятларини изҳор этдилар. Тадбир поёнида фарзандлар қутловидан сўнг Мақсуд Эргаш ўғли билан Кулаш Мирзатай қизи мактаб

Иззатуллаев раҳбарлик қилмоқда. Мактабнинг эски бир қаватли биносини ҳашар усули билан 1963 йили қуриб битирганимиз. Иззатулла Раҳимов, Каимикон Аҳмедов, Исмоил Отаев каби заҳматкаш устозларим билан бирга қурилишга ҳисса кўшганимдан кўнглим ёшилади. Ўша кезларда жонкуяр директор Жондор ака билан ёмғир остида олма дараҳти кўчатларини ўтқазиб, боф яратганимиз ҳануз



Худойбергенов номидаги синфоналар очилганлиги ҳақида батафсил ёритган эдик. Ушбу ташаббус Туркистон шаҳридаги Эргаш Иззатуллаев номли мактабда 46 йил самарали меҳнат қилган нафақадор Мақсуд Иззатуллаевнинг шогирдлари Дадаҳон Жалилов, Мамир Анорбоев, Умсиюй Манопова, Файбула Алиакбаров, Абдулла Шерметов каби зиёли инсонларнинг саъйҳаракатлари илиа «Мақсуд Иззатуллаев номидаги география фани кабинети» очилиши билан тадрижий давомини топди.

Худойбергенов номидаги синфоналар очилганлиги ҳақида батафсил ёритган эдик. Ушбу ташаббус Туркистон шаҳридаги Эргаш Иззатуллаев номли мактабда 46 йил самарали меҳнат қилган нафақадор Мақсуд Иззатуллаевнинг шогирдлари Дадаҳон Жалилов, Мамир Анорбоев, Умсиюй Манопова, Файбула Алиакбаров, Абдулла Шерметов каби зиёли инсонларнинг саъйҳаракатлари илиа «Мақсуд Иззатуллаев номидаги география фани кабинети» очилиши билан тадрижий давомини топди.

Утган шанба куни устоз ва шогирдлар жам бўлиб, янги мактаб биносининг иккинчи қаватида Мақсуд ака номидаги география фани кабинетининг очилиши маросимида иштирок этдилар. Тадбир иштирокчилари Мақсуд Эргаш ўғлини умр йўлдоши Кулаш Мирзатай қизи билан олқишлиб, қарши олдилар. Рамзий тасма тантана

нали қирқилиб, директор ўринбосари Гулнора Ибодуллаева илм даргоҳида амалга оширилаётган эзгу ишларни фаҳр билан тилга олди.

Хаётини маориф соҳасига баҳшида этган Мақсуд ака ёш автол учун, шогирдлар учун ибрат ва ўрнак мактабидир. У октябрь ойининг биринчи ҳафтасида 76 ёшга тўлди. Фаҳрий устоз сифатида кўп унвонлари, хусусан Қозогистон ҳалқ маорифи аълочиси, «Меҳнат фаҳрийси» медали, «Ёшларни ватанпарварлиг руҳда тарбиялашдаги хизматлари учун», «Буюк Фалабанинг 75 йиллиги», «Туркистон шаҳрининг ибратли фуқароси» кўйрак нишонлари билан тақдирланган. Лекин, ўзи учун энг юксак мукофот – шогирдларининг ҳурматэҳтироми. Умр йўлдоши, устозлик касбидан эъзоз топган, «Халқ эҳтироми» медали соҳибаси, қаҳрамон она Кулаш Мирзатай қизи билан тўрт ўғил, икки



нали қирқилиб, директор ўринбосари Гулнора Ибодуллаева илм даргоҳида амалга оширилаётган эзгу ишларни фаҳр билан тилга олди.

Хаётини маориф соҳасига баҳшида этган Мақсуд ака ёш автол учун, шогирдлар учун ибрат ва ўрнак мактабидир. У октябрь ойининг биринчи ҳафтасида 76 ёшга тўлди. Фаҳрий устоз сифатида кўп унвонлари, хусусан Қозогистон ҳалқ маорифи аълочиси, «Меҳнат фаҳрийси» медали, «Ёшларни ватанпарварлиг руҳда тарбиялашдаги хизматлари учун», «Буюк Фалабанинг 75 йиллиги», «Туркистон шаҳрининг ибратли фуқароси» кўйрак нишонлари билан тақдирланган. Лекин, ўзи учун энг юксак мукофот – шогирдларининг ҳурматэҳтироми. Умр йўлдоши, устозлик касбидан эъзоз топган, «Халқ эҳтироми» медали соҳибаси, қаҳрамон она Кулаш Мирзатай қизи билан тўрт ўғил, икки

маъмуриятига, шогирдларга, устозлар жамоасига сидқидилдан миннатдорчilik билдирилар.

– Мактабимиз бошланғич таълим даргоҳи сифатида ўтган асрнинг 1930-йили ташкил этилган. Абдурофи Сафаров, Абдусамад Отажонов, Бобоҳон Абдурашидов, Жондор Ўрозметов, Дадаҳон Жалиловлар раҳбарлик қилган кутлуғ даргоҳга бунгунги кунда ёш, ишчан устоз Мухаммадрасул

ёдимда.

Ўтган асрнинг ўзгачалиги кўп эди. Мен Низомий номидаги Тошкент институтини тамомлаган устоз сифатида география билан бирга биология, тарих, ўзбек тили, физикадан ҳам дарс берганман. Фақат иш билан, изланиш билан банд эдик...

Ш. МАДАЛИЕВ.
Суратларда: тадбирдан лавҳалар.
Муаллиф тасвиirlари.

● Кун ҳикмати

Агар ҳали ҳам газбланаётган бўлсанг, демак, ўзинг билан бўлган курашинг тамом бўлмабди.

Агар ҳали ҳам хафа бўлаётган бўлсанг, демак, кўнгил уйингни гиштлари мустаҳкам бўлмабди.

Агар ҳали ҳам (бировларни) айблаётган бўлсанг, демак, фикрларинг етарлича ти-ниқлашибабди.

Агар ҳали ҳам холис сөволмаётган ва севгинда ажратамётган бўлсанг, демак ҳали ҳам ақл ва мантигинги кўллаб, ичингдаги севгининг камол тошиига тўсқинлик қилмоқдасан.

Агар ҳали ҳам демоқдан воз кечолмаётган бўлсанг, демак тиззинларинг ҳали ҳам нафсингни қўлида ва сен бу тутқунликка бўйин эзмоқдасан.

Агар ҳали ҳам мусибатлардан ғамгин бўлаётган бўлсанг, демак, асл моҳиятни англаб етмабсан.

Агар ҳали ҳам шикоят қилаётган бўлсанг, демак, ҳақиқатни кўрломаялсан...

Шамс ТАБРИЗИЙ.

«Кўл кучи билан ишлаган киши-ишчидир. Кўли ва ақлини ишлата билган киши-устадир. Кўли, ақли ва туйгуларини ишга сола билган киши эса ўз соҳасининг санъаткоридир».

Махмуд Асад ЖУЬШОН.

«Менинг авлодим яратган қашфиёт шуки, қаҷонки одамзод ўз ақлининг ҳолатини ўзгартирсагина, ҳаётига мазмун кирита олади».

Уильям ЖЕЙМС.

«Самолёт учун ерда туриш ҳавфсизроқ. Аммо у самоларда парвоз қилиши учун яратилган».

Номаълум муаллиф.

«Ҳар бир киши ўз баҳту саодатининг ижодкоридир».

Уильям ШЕКСПИР.

«Биз ким эканлигини биламиз, аммо ким бўлишимиз мумкинлигини билмаймиз».

(У. Шекспирнинг «Гамлет» асаридан Офелия сўзи).

Директор-Бош муҳаррир — Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Масъул шахслар:

Туркистон, Қентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тўлебий — Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт — Хуршид ҚУЧКОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тулкибош — Мунира САҶДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозогистон Республикасида тарқатилади.

Муассис — Туркистон вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси — «Жанубий Қозогистон» вилоят ижтимоий-сийёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

- Маколалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдор.
- Фойдаланилмаган маколаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-йч. 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 априлда рўйхатга олиниб, KZ34VRU0022503 гувоҳнома берилган.

Бюорта:

2713.

Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.

Бош муҳаррир

ўринбосарлари:

Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба —
Шаҳноза УСМОНОВА.